



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ ИТТИФОҚИ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 октябрь куни Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг видеоанжуман шаклидаги навбатдан ташқари йиғилишида иштирок этди.



Тадбир Ўзбекистон 2020 йил декабрь ойида Евроосиё иқтисодий иттифоқи ҳузуридаги кузатувчи давлат мақоми олигандан буён ушбу интеграциявий бирлашманинг давлатимиз раҳбари иштирокида ўтган учинчи саммити бўлди.

Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев раислигида ўтган саммитда Арманистон Республикаси Бош вазири Никол Пашинян, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, ЕОИИ ҳузуридаги кузатувчи мамлакат — Куба Республикаси Президенти Мигель Бермудес ва Евроосиё иқтисодий комиссияси Хайъати раиси Михаил Мясникович қатнашди.

Йиғилиш кун тартибидан кўп томонлама иқтисодий шерикликни янада мустаҳкамлаш, шунингдек, савдо, саноат кооперацияси,

транспорт-транзит салоҳиятини ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлиги, рақамлаштириш, “яшил” иқтисодиёт ва бошқа устувор йўналишлар бўйича амалий ҳамкорликни илгари суриш масалалари ўрин олди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Ўзбекистоннинг табиий савдо ва иқтисодий ҳамкорлари — ЕОИИ мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Хусусан, пандемия шароитларида мамлакатимизнинг Ташкилотга аъзо давлатлар билан товар айирбошлаш ҳажми барқарор ортиб бораётгани таъкидланди. Евроосиё иқтисодий комиссияси билан фаол ҳамкорлик йўлга қўйилди, қўшма Илчи гуруҳ ўз фаолиятини бошлади. Бундан ташқари, Евроосиё тараққиёт банки билан ҳамкорлик бўйича истиқболли лойиҳалар тайёрланмоқда.

Савдо-иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш

борасидаги саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш муҳим эканини алоҳида қайд этиб, Ўзбекистон етакчиси ўзаро савдода мавжуд тўсиқларни бартараф этиш, техник регламент ва стандартларни уйғунлаштириш, божхона тартиботларини рақамлаштириш бўйича қўшма “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш таклифини илгари сурди.

Ўзбекистон саноат кооперациясини чуқурлаштириш орқали минтақалараро қўшилган қиймат занжирларини яратишда ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор экани қайд этилди. Тошкент шаҳрида ҳар йили “Иннопром — Марказий Осиё” саноат форумининг ўтказилиши бунинг учун янги имкониятлар очади.

Президентимиз миллий иқтисодиётларнинг барқарор ривожланишида муҳим омил сифатида транспорт йўлаклари тармоғи ва логистика инфратузилмасини такомиллаштириш муҳим эканига эътибор қаратди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон томонидан Россия ва Қозоғистон билан биргаликда йўлга қўйилган зарур товарларни тез фурсатда ўзаро етказиб бериш бўйича “Агроэкспресс” лойиҳасига қўшилишга таклиф этди.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалаларининг алоҳида долзарб аҳамиятини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Президенти бу борадаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ва қўшма ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш орқали соҳадаги ҳамкорликнинг янги нуқталарини излаш муҳим эканини таъкидлади.

Мамлакатимиз ЕОИИ доирасидаги рақамли трансформация жараёнларида иштирок этиш, амалий тажриба алмашиш ва илғор технологияларнинг ўзаро трансферидан манфаатдор экани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари экология масалалари алоҳида эътибор қаратиб, иқлим ўзгариши

оқибатларини юмшатиш бўйича ўзаро мувофиқлашган чоралар зарур эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти ҳамкор мамлакатларни Оролбўйида экологик инновациялар ва технологиялар ҳудудини яратиш бўйича қўшма лойиҳаларда фаол иштирок этишга қақирди ҳамда келгуси йил сентябрь ойида Нукус шаҳрида ўтказиладиган “Яшил” энергетика бўйича халқаро форумга таклиф этди.

Бундан ташқари, бирлашма доирасида яратилган Иқлим масалалари бўйича юқори даражадаги ишчи гуруҳ билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ташаббуси илгари сурилди.

Ўзбекистон етакчиси сўзининг якунида саммит якунлари ЕОИИ мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва яқин шерикликни илгари суришга хизмат қилишига ишонч билдирди.

ЎЗА

САНОАТ

КЛАСТЕР: ХОМАШЁДАН ТАЙЁР МАҲСУЛОТГАЧА

Бундан уч йил олдин Риштон туманида пахта толасидан калава-ип ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келаётган “Rusozbkteks” МЧЖ негизида Фарғона вилоятида биринчи бўлиб пахтачилик йўналишида кластер ташкил этилган эди.

▶ Давоми 4-бетда



“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС



Хориждаги ватандошлар Ўзбекистон Президенти сайловида муддатидан олдин овоз бермоқда

Хорижда турли сабабларга кўра бўлиб турган, вақтинча яшаётган ва таҳсил олаётган ватандошларимиз Ўзбекистон Президенти сайловида муддатидан олдин овоз беришда иштирок этмоқда.

Жумладан, 14 октябрь куни эрта тонгда Жанубий Кореянинг Чонжу ва Ульсан шаҳарларида Ўзбекистон Президенти сайловида муддатидан олдин овоз бериш жараёни бошланди. Фуқароларимиз очиқ-ошкора, миллий сайлов қонунчилиги талабларига мувофиқ тарзда овоз бериш жараёнида

фаоллик кўрсатмоқда. Улар Ўзбекистон Президенти сайлови кампанияси, давлат раҳбарлигига номзодлар ва уларнинг сайловолди дастурлари, миллий қонунчиликдаги ўзгаришлар билан танишиб, ўзлари танлаган номзодга овоз бермоқда.

Юрдошларимизнинг аксариятини ёшлар ташкил этади ва улар орасида

илк марта овоз бераётганлар ҳам бор.

— Бугун биринчи марта сайловда иштирок этдим, — деди Йонг Ин университети талабаси Сардорбек Собиров. — Тўғриси айтсам, жуда ҳаяжонданман. Хориждаги фуқароларимизнинг ўз конституциявий ҳуқуқидан тўла фойдаланиши учун яратилган бундай шароитдан хурсанд бўлдим. Менинг овозим ҳам юрт тақдири учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини ҳис қилдим.

— Мен ҳам бугун биринчи марта муносиб номзодга овоз бериш орқали сай-

ловда қатнашдим, — дейди яна бир ёш ватандошимиз Зафаржон Маматхошимов. — Бугунги кунда Йонг Ин университетида ўқийман. Ўқишни тугатганимдан кейин келажақда жамиятимиз ривожига бор кучим ва салоҳиятим билан ҳисса қўшишга ҳаракат қиламан. Мамлакатимизнинг Латвиядаги элчихонасида ташкил этилган 24-сайлов участкасида ҳам Ўзбекистон Президенти сайловида муддатидан олдин овоз беришга старт берилди.

▶ Давоми 3-бетда



Газетамизнинг бугунги сонида сайловолди ташвиқоти доирасида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Алишер Қодировнинг сайловолди ташвиқоти бағишланган мақола чоп этилмоқда. Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

▶ 2-бетга қаранг

21 ОКТАБРЬ — ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ КУНИ

КЎЗНИНГ ИЛҒАГАНИ ҚАЛБГА МУҲРЛАНАДИ

1989 йили она тилимизнинг давлат тили мақоми олиши катта байрамга айланиб кетган эди. Шўролар салтанати ҳукм суриб турган бир вақтда бу воқеа, шунчаки, кенгашли тўй шаклида, хамирдан қил суғургандек осон кечмаганини орадан ўттиз йилдан зиёдроқ вақт ўтганига қарамай бугун ҳам бемалол тасаввур қилиш мумкин...

▶ Давоми 6-бетда



Эртанги фаровон ҳаётимиз, барқарор тараққиётимиз, тинчлик ва хотиржамлигимизни кафолатловчи муҳим сиёсий тадбир — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови арафасида турибмиз. Шунга алоҳида қайд этиш жоизки, кейинги беш йилликда мамлакатимизда барча соҳалар каби суд-ҳуқуқ, хусусан, сайлов тизимини янада либераллаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Сайловлар бўйича ўзига хос тажриба яратилди. Энг асосийси, миллий сайлов қонунчилигимиз янги сифат босқичига кўтарилди.

24 OKTABR 2021-YIL O'ZBEKISTON PREZIDENTI SAYLOVI

МАДАНИЙ МЕРОСИМИЗ ВА ШАРҚ ТАМАДДУНИ

Мамлакатимизда Президент сайлови жараёнлари илк бор яхлит ҳужжат, яъни 2019 йил 25 июнда қабул қилинган Сайлов кодекси талаблари асосида ўтказилмоқда.

Элликдан ортиқ ривожланган давлатлар тажрибаси, ушбу соҳадаги илмий тадқиқотлар, ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси, Венеция комиссияси сингари нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан билдирилган тавсияларни ҳисобга олган ҳолда, 5 та қонун ва ўнлаб қонуности ҳужжатларни бирлаштирган янги кодекс бир мақсадга — Ўзбекистонда демократия барқарорлигини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятли.

“Миллий тикланиш” демократик партияси ҳам сайлов кампанияси ва сайловолди ташвиқоти аниқ шунга қаратилган бўлиши билан асосида олиб бормоқда. Партия президентлик сайловига жиддий тайёргарлик кўрди. Президентликка номзоднинг 5 та устувор йўналишни қамраб олган сайловолди дастури ишлаб чиқилди. Дастурда таълим ва тарбия, маданий мерос объектларини асраб-авайлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Асрлар давомида шаклланган, йилдан-йилга сайқалланган бораётган маданий меросимиз бутун жозибаси билан дунё халқларини ҳам ўзига ром этмоқда. Ушбу меросни асраб-авайлаш, ривожлантириш, тарғиб қилиш, халқаро маданий макондаги ўрни ва аҳамиятини янада ошириш муҳим вазифа. Партияимизнинг дастурий мақсадларидан бири бўлган бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар сайловолди дастурида белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси соҳада олиб борилаётган ишларни тизимли ташкил этишда муҳим дастуруламал бўлаётди. Мазкур ҳужжат асосида моддий ва номоддий маданий мерос объектларини аниқлаш, давлат муҳофазасига олиш, асраб-авайлаш, сайёҳлик йўналишларига киритиш, ЮНЕСКО Умумжаҳон моддий ва номоддий маданий мероси рўйхатига киритиш бўйича “Йўл хариталари” ишлаб чиқилди.

Мамлакатимиз ҳудудида 8 мингдан зиёд моддий маданий мерос объектлари мавжуд. Уларнинг 4 минг 367 таси археология, 2 минг 96 таси архитектура ёдгорликлари ҳисобланади. Аини пайтда “Йўл хариталари” асосида улардан айримлари ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон моддий маданий мероси рўйхатига киритилган. Жумладан, Ичан қалъа, Бухоро ва Шаҳрисабз шаҳарларининг тарихий қисми, Самарқанд — цивилизациялар чорраҳаси объектлари моддий, Бойсун маданий муҳити, Шашмақом, Катта ашула, Аския — ақл-идрок санъати, Наврўз, Палов тайёрлаш маданияти ва урф-одати, Марғилон хунармандчилигини ривожлантириш маркази, атлас ва адрас матопарини тўқишнинг аънавий технологияси, Хоразм лазгиси номоддий маданий мерос рўйхатига олинган.



“ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛАЁТГАН ОБЪЕКТЛАР РЎЙХАТИНИ ТУЗИШ, УЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ, ТАРИХИЙЛИГИ ВА АҲАМИЯТИНИ АСОСЛАШ ИШЛАРИНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ МАҚСАДИДА ФАОЛЛАРИМИЗ ТОМОНИДАН ОЛИБ БОРИЛГАН ЎРГАНИШЛАР БИЗ УЧУН УМУМАН НОМАЎЛУМ БЎЛГАН ЯНГИ ОБЪЕКТЛАР ҲАМ МАВЖУДЛИГИНИ КЎРСАТМОҚДА.

Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикасидаги “Сахродаги қасрлар”, Жиззах вилоятидаги “Хонбанди”, Навоий вилоятидаги “Сармишсой қоятош расмлари”, Сурхондарёдаги “Зараўтсой қоятош расмлари”, “Қадимий Термиз” объектларини ЮНЕСКО рўйхатига киритиш бўйича тизимли ишлар олиб боришмоқда. Буюк ипак йўлининг мамлакатимиздан ўтган қисми — “Ипак йўли: Фарғона — Сирдарё ҳавзаси”, “Ипак йўли: Зарафшон — Қорақум” йўналишлари бўйича ҳам ишлар давом этаётди. Эътибор қаратилса, мазкур йўналишлар юртимиз ҳудудидаги кўплаб моддий маданий мерос объектларини қамраб олади.

Номоддий маданий мерос ҳақида гап кетганда, олтимишдан зиёд, хусусан, қўбиз ижрочилиги, бахши санъати, этносспорт, ёғоч ўймакорлиги санъати, халфачилик, ўзбек жанг санъати, Риштон қўлоқчилик мактаби, “Ўзбекистон ва Тожикистон аънавий халқ ўйинлари”, “Марказий Осиё аънавий каштачилиги”,

“Рубоб ясаш ва ижрочилик аънавлари”, “Хўжа Насриддин ҳажвияларини айтиш аънавлари” каби миллий номоддий меросимиз турларини санаб ўтиш мумкин.

“Миллий тикланиш” демократик партияси ўз мақсади ва белгилаб олган устувор йўналишларидан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг қадимий шаҳар ва қишлоқлари тарихий қиёфасини муҳофаза қилиш, инсониятнинг маданий мероси бўлган тарихий қадамжолар, архитектура ёдгорликларини сақлаш ва қайта тиклаш мақсадида қонунчилик нормаларини такомиллаштириш бўйича тизимли ишлар олиб бормоқда. Шунга қайд этиш жоизки, маданий меросимиз миллий ўзига хослигимизнинг юзи бўлиши билан бирга, ёш авлодни аждодлар руҳида тарбиялашда бекиёс аҳамият касб этади. Миллий бойликларимизни тарғиб қилиш нафақат туризмни ривожлантириш, шунингдек, миллатлараро маънавий яқинликни таъминлаш, маданий ҳамкорлик ривожига ҳам бирламчи омил ҳисобланади.

Ўз дастурий вазифаларимиздан келиб чиқиб ЮНЕСКО Умумжаҳон моддий ва номоддий маданий мероси ҳамда сайёҳлик йўналишларига киритиш учун муносиб объектлар ўрганилмоқда. Ушбу амалиёт асосида ҳудудларда мавжуд бўлган бир қатор моддий ва номоддий объектлар рўйхати шакллантирилган. Асосий тақлифларимиз эса тегишли тартибда мутасадди идоралар



орқали ЮНЕСКОга тақдим этилаётди. Шундай бўлса-да, жойлардан қайта ва қайта тақлифлар берилиши юртдошларимизнинг маданий меросимиз тақдирига бефарқ эмаслигини, шу билан бирга, бу борадаги фаолиятимизни янада жонлантириш зарурлигини кўрсатади.

Таъкидлаш лозимки, “Ипак йўли: Фарғона — Сирдарё ҳавзаси”, “Ипак йўли: Зарафшон — Қорақум”, “Сахродаги қасрлар”, “Хонбанди”, “Қадимий Термиз” каби тарихий меросимиз ўзида Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидаги кўплаб тарихий-маданий объектларни қамраб олади.

Эътибордан четда қолаётган объектлар рўйхатини тузиш, уларни рўйхатга олиш, тарихийлиги ва аҳамиятини асослаш ишларини давом эттириш мақсадида фаолларимиз томонидан олиб борилган ўрганишлар биз учун умуман номаълум бўлган янги объектлар ҳам мавжудлигини кўрсатмоқда.

Бўстонлик туманидаги Хўжақент ғори ва ундаги ёзувлар, Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги Сийпантош петроглифлари, Сурхондарё вилояти Сарийосиё туманидаги Сангардак шаршараси моддий ва табиат объектлари, сумалак тайёрлаш — халқ сайли, келин салом — миллий удум, Андижон полкаси — миллий шиддат намунаси, терма — инсон ва табиат бирлиги, хунармандчилик — Самарқанд қоғозини тайёрлашнинг ўзига хос жиҳатлари, доира ясаш услублари ва ижро маҳоратлари, карнай садолари — байрамлар жарчиси, най наволари — мозий садолари, дўппи тикиш услублари ва

ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ МЕРОСИМИЗГА, ТАБИЙ ҲУДУДЛАРГА ЯНГИЧА НАЗАР БИЛАН ҚАРАШИМИЗ ЗАРУР. ХАЛҚИМИЗ ОРАСИДА АСРАБ-АВАЙЛАНАЁТГАН МОДДИЙ ВА НОМОДДИЙ МЕРОСНИ АНИҚЛАШГА ҲАР БИРИМИЗ ЎЗ ҲИССАМИЗНИ ҚЎШИШИМИЗ КЕРАК. АНА ШУНДА АСРЛАР ОША ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИ ЎЗИДА ЖО ЭТГАН МЕРОСИМИЗ ТАРИХДАН САДО БЕРГАНЧА, ЎЗИНИНГ БУТУН БЎЙ-БАСТИНИ НАМОЁН ЭТАДИ. БУ ЭСА БИЗГА ЎЗЛИГИМИЗНИ, ЎЗИМИЗГА ХОСЛИГИМИЗНИ ЭСЛАТИБ ТУРАДИГАН АСОСИЙ ОМИЛЛАРДАНДИР.

дўппи кийишнинг ўзига хос ҳудудий аънавлари, алла айтиш аънавлари каби номоддий маданий объектлар шулар жумласидандир.

Кейинги йилларда ўрганишлар асосида бир қатор моддий маданий мерос объектларини сайёҳлик йўналишларига киритиш бўйича тақлифлар ҳам тайёрланди. Таъкидлаш лозимки, бу борада ҳали олдимизда жуда катта ишлар турибди. Биринчи навбатда, тарихий-маданий меросимизга, табиий ҳудудларга янги назар билан қарашимиз зарур. Халқимиз орасида асраб-авайланаётган моддий ва номоддий меросни аниқлашга ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак. Ана шунда асрлар оша қадриятларимизни ўзида жо этган меросимиз тарихдан садо берганча, ўзининг бутун бўй-бастини намоён этади. Бу эса бизга ўзлигимизни, ўзимизга хослигимизни эслатиб турадиган асосий омиллاردандир.

Президент сайлови арафасида партияимиз фаоллари, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар корпуси номзодимиз ташвиқоти фониди яна бир бор партияимизнинг асл мақсад ва муддаоларини аҳолига кенг тушунтирмоқда.

Шу боис, партияимиздан президентликка номзод билан жойларда ўтказилаётган учрашув ва мулоқотларда моддий ва номоддий маданий меросни қўқур ўрганиш, асраб-авайлаш, муҳофаза қилиш, тарғиботини қучайтириш, уларнинг консервация ҳамда реставрациясига алоҳида эътибор қаратиш масалалари кенг муҳокама этилаётди.

Дониёр ТОШБОЕВ,
ЎзМТДП Марказий кенгаши бўлим бошлиғи

ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН НОМЗОД АЛИШЕР ҚОДИРОВГА ОВОЗ БЕРИНГ!



ЖАМИЯТ

Янги Ўзбекистон ислохотлари — тараққиёт ва халқ фаровонлиги йўлида

Ватанимиз Мустақиллигининг 30 йиллик шодиёналари, байрам шукуҳи ҳали-ҳамон вилоятлар, шаҳар ва қишлоқларимизда кечаётган бир пайтда охириги 30 йил мобайнида мамлакатимизда бўлган мисли кўрилмаган ўзгаришлар кўз олдимдан ўтди. Айниқса, охириги 5 йилда давлатимизнинг янада ривожланиб, халқимиз тинчлик ва тотувликда, барқарорлик ва келажакка ишонч билан яшаётганини кўриб, авваламбор Аллоҳга шукрлар айтамыз.

Бу дунёда ҳамма нарса нисбий. Атрофга назар ташласак, кўшни мамлакатларда бўлаётган нотинчлик, беқарорлик, низо ва қарама-қаршиликларни, қон тўкилишларни, бир миллат вакилларининг бир-бирига зид бўлганини кўриб, яна бир бор давлатимизда ҳукм сураётган осойишта ҳаёт энг катта ютуғимиз ва бахтимиз, десак тўғри бўлади.

Бу кунларга етиб келиш осон бўлмади, албатта. Мустақиллик эълон қилинган биринчи кунлардаги қийинчиликлар, республика омборларида бир ҳафтага етар-етмас дон қолгани ёки нефть танқислиги, бу муаммоларни ҳал этиш, яъни чет давлатдан сотиб олиш учун валютанимиз йўқлиги, ундан кейин Тошкентда террористлар томонидан содир этилган портлашлар, Наманган ва бошқа ҳудудлардаги фожиали воқеалар... Шуларни эслаганда, авваламбор, **Биринчи Президентимиз Ислмо Абдуғаниевич Каримов**ни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига асос солган инсон сифатида кўз олдимизга келтиришимиз табиийдир.

Биринчи Президентимизнинг кўл остиларида 25 йил ишлаш мен учун жуда катта ҳам мактаб, ҳам синов эди. Ислмо Абдуғаниевич Каримов ўта талабчан инсон эдилар. Лекин улар ушбу талабчанлигини олдин ўзларига қаратар, кейин кўл остида ишлайдиганлардан талаб қилар эдилар.

У инсоннинг қилган ишларига **Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирмонович Мирзиёев** жуда тўғри ва одилона баҳо бердилар.

Шу ўринда бир фикрни айтмоқчиман. Ҳозирги кунда дунёда расман 200 дан зиёд мустақил давлат бор, лекин аслида кўпчилигининг мустақиллиги қорғозда, яъни сунъий, чунки улар сиёсий, иқтисодий ёки хавфсизлик жиҳатидан у ёки бу давлатга тобе ва, афсуски, уларнинг тақдири ўз пойтахтларида эмас, балки бошқа пойтахтларда ҳал этилади. Ўзбекистон улардан фарқли ўлароқ, 25 йил ичида ҳақиқий мустақилликка эга бўлди.

Шуни мамнуният билан айтиш керакки, **Президентимиз Шавкат Мирзиёев** ушбу ўта таҳликали ва мураккаб даврда жонажон Ватанимиз истиқлолини нафақат кўз қорачиғидек асрамоқдалар ва ҳимоя қилмоқдалар, балки тез суръатлар билан ҳар томонлама мустаҳкамлаб бормоқдалар.

Ҳаёт шиддат билан илгариларда бормоқда. Замон, шу билан бирга талаблар, мезонлар ўзгармоқда. Айниқса, мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида кейинги 5 йилда бўлган ўзгаришларни ўйлаганда одам ҳайратда қолади.

2017 йилдан бошлаб Шавкат Мирмонович Мирзиёев бошчиликларига Ўзбекистонда кенг қамровли ислохотлар бошланган бўлса, мазкур амалга оширилаётган ислохотларни факатгина санаб ўтишнинг ўзига бир кун камлик қилади.

Лекин, ҳозирги даврда, давлат, жамият, ҳар кунги ҳаётимиз тараққиётига мувофиқ бўлган ва аҳоли фаровонлигини оширишга энг катта омили бўлган ўзгаришларни санаб ўтиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Биринчидан, Ўзбекистон демократик жамиятини қуришга киришди. Буни очик айтиш керак, осон қарор бўлмади. Эксперт ва мутахассислар “**бу қадамни босишнинг вақти ҳали келмади, Сиз ҳам, маҳаллий ҳокимликлар ҳам жуда катта қийинчиликларга деч келасизлар**” деб муҳтарам Президентимизни бу йўлдан қайтармоқчи бўлишган.

Лекин, Шавкат Мирмонович ўзларининг метин иродалари туфайли жуда тўғри ва доно қарор қабул қилдилар. Чунки, демократия бўлмаган давлатда ривожланиш бўлиши жуда қийин. Қўпол қилиб айтганда, бир қушнинг қанотларини кесиб

ташласангиз, у учмайди. Демократия халқимизнинг қанотларни кенг ёйиб, парвоз қилишга, яъни ижодкорлик, ташаббускорлик ва янгилликка интилишга бўлган хусусиятларига кенг йўл очди.

Давлат халқнинг фикри, эътирози, арзи ва тақифларини эшитадиган бўлди, шунга жавобан, ўзининг сиёсатини халқ нияти, истаги ва умидлари асосида ўрнатишга кенг йўл очилди. Ўтган 5 йил ичида бу бизнинг энг муҳим ва катта ютуғимиз бўлди.

Иккинчидан, иқтисодий ислохотлар жадал ривожланаяпти, булардан энг биринчиси валютанинг эркин айланмаси жорий қилингани бўлса, банк тизими ва пул муомаласининг эркинлаштирилиши, солиқ юкининг кескин камайтирилиши ва хусусий бизнесга кенг йўл очилиши унинг асосий негизидир.

Айниқса, хусусий бизнеснинг қонун ҳимоясида бўлишидек ишончли тизим яратилди ва турли босим, маъмурий, расмий ва норасмий таъқиқлардан озод бўлганлиги бозор иқтисодиётининг ривожига кенг йўл очиб берди.

Охириги йилларда нафақат Ўзбекистонда, қолаверса, бошқа давлатларда амалга оширилмаган мутлақо янги усуллар, камбағал оилаларга бюджетдан субсидия бериб, арзон уйлар қуриш, нафақат туманлар, қолаверса, маҳаллалардаги мустақам бюджет манбаларини белгилаш, “**Темир дафтар**”, “**Аёллар дафтари**”, “**Ёшлар дафтари**”ни жорий қилиш ва шу орқали қийналган оилаларни, аёллар ва ёшларни иш билан банд қилиш ва аниқ даромадига эга бўлиши алоҳида эътиборга эга. Шу орқали иқтисодиётимизга энг катта таҳдид келтирадиган ишсизлик муаммосига ечим топиш учун амалга оширилаётган сиёсат, десак тўғри бўлади.

Албатта, бу ва бошқа кўплаб йиғилиб қолган муаммоларни фақат ўзимизнинг чегараланган манбалар ҳисобидан тўлиқ ҳал қилишнинг имкони йўқ. Шунинг учун давлатимиз четдан қарз олишга мажбур. Олинган маблағлар энг катта тўсиқ бўлиб турган масалаларни, жумладан, халқимизни электр, газ ва ичимлик сув билан таъминлаш тизимини янгилашга, шунингдек, эски, бузилган йўл ва кўприкларни қайта таъмирлашга ҳамда янги йўлларни қуриш, таълим ва тиббиёт тизимларини яхшилаш ҳамда замонавий саноат корхоналарини қуришга ишлатилмоқда.

Тўғри, қарз ошмоқда, лекин шу билан бирга, иқтисодиётимиз ҳам тез суръатлар билан ўсмоқда, ўсаятган иқтисодиёт эса, менинг фикримча, бу қарзларни ўз вақтида тўлашга тўлиқ имконият беради.

Мазкур ислохотлар натижасида пандемия ва ўта мураккаб жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози салбий оқибатларининг олди олинди, иқтисодиётимиз тикланиб ҳозирги кунда жадал ривожланмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, одамлар иш билан банд, халқимизнинг даромадлари мавжуд ва аниқ, бу, ўз навбатида, давлатимизда тинчлик ва барқарор ривожланишнинг асосий пойдеворидир.

Учинчидан, таълим-тарбия тизимининг тўлиқ ислох қилинишидир. Мактабгача таълим тизими бутунлай қайта қўрилиб, қамров даражаси 20 фоиздан 70 фоизгача ошгани, умумтаълим мактаблари тизимининг сифат жиҳатидан ўсиши, олий ўқув юртилари сонини 2 баробар ошгани, 30 га яқин хорижий нуфузли олий таълим муассасалари республикаимизда ўз филиалларини очгани, мактаб битирувчиларининг олий ўқув муассасаларига ўқишга кириши 9 фоиздан 30 фоизгача ошгани бунинг яққол далилидир.

Маданият, маънавият ва спорт соҳаларида олиб борилаётган ислохотлар ҳам эътиборга молик. Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалаба ва унда иштирок этган ўзбек

ўғлонлари хотирасига бағишланган Ғалаба боғи, ҳудудларда, Наманганда Иброт домла мажмуалари, Гулистонда Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева номидаги мактаб, Андижонда халқ шоири Мухаммад Юсуф номидаги ихтисослаштирилган мактабнинг барпо этилиши, Нукус шаҳрида қорақалпоқ адабиётининг сўнмас юлдузи Ибройим Юсупов номидаги ва шунга ўхшаш кўплаб муассасаларнинг очилиши ёшларимизнинг иқтидорини оширишга, тарихни мукаммал билиш ва қалбида Ватанга бўлган муҳаббат туйғусини уйғотишга катта туртки бўлмоқда.

Спортчиларимизнинг яқинда Токиода ўтказилган Олимпия ва Паралимпия ўйинларидаги бетақдор ютуқлари ҳаммамизга ғурур ва қувонч бағишлади.

Тўртинчидан, пойтахтимиз Тошкентда, шаҳар ва қишлоқларимизда бетақдор улкан қурилишлар, обodonлаштириш, янги йўллар ва кўприкларнинг барпо этилиши, маҳалла ва узоқ қишлоқларда бўлаётган бунёдкорлик ишлари, Янги Ўзбекистон барпо этилаётгани бу қуруқ шиор эмас, балки бунинг негизида халқнинг фаровонлиги йўлидаги жуда катта ва тизимли ўзгаришлар рўй бераётгани ўз тасдиғини топмоқда.

Жумладан, ҳаммани ҳайратда қолдирган “Янги Ўзбекистон” миллий боғининг барпо этилгани ва у ерда муҳтарам Президентимизнинг байрам тантаналарида қилган таъсирли, сермазмун нутқлари ҳамда бетақдор концерт дастурлари намойиши халқимизнинг мустақилликка эришиш йўлида бошидан кечирган қийинчиликлар ва бугунги ёрў кунларга етиб келишида олиб борилган ишларининг кўрсатиб берилганлиги барчамизда ўзгача таассурот қолдирди.

Бешинчидан, саноат ва ишлаб чиқариш соҳаларида янги, давлат-хусусий шерикчилик тизими яратилиши, геология ва базавий тармоқларнинг мутлақо янги самарали механизмлари ишлаб чиқилиши бунинг яққол мисолидир.

Навоий вилоятида илк бор қуёш энергияси асосида ишлайдиган электр станцияси ишга тушиши иқтисодиётимизнинг асоси бўлган энергетика соҳасининг энг замонавий тизимга ўтиши бўйича биринчи ва энг муҳим қадам бўлди.

Кўплаб қимё, газни қайта ишлаш, қурилиш материаллари, машинасозлик, тўқимачилик, фармацевтика, металлургия саноатидаги янги заводлар, электростанциялар, Олмалиқдаги янги катта конни ўзлаштириш бўйича мажмуанинг иш бошлагани ва шунга ўхшаш кўплаб янги лойиҳалар қурилиб, ишга туширилгани Ўзбекистонда илгор технологиялар асосида жаҳон миқёсида рақобатбардош замонавий саноат тармоқларининг тез суръатлар билан барпо этилишининг тасдиғидир.

Олтинчидан, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотлар, кластер тизимининг яратилиши, бу жараёнда фақат манфаатдор томонларнинг иштироки, ердан оқилона фойдаланиш, ерга бўлган муносабатнинг ўзгариши ва бундан қишлоқ аҳолиси манфаатдор бўлиши — эътиборга молик ислохотдир.

Ушбу ўзгаришлар натижасида, кластер иштирокчилари ўзлари ҳомашё тайёрлаб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариб, қўшимча қиймат билан ички ва ташқи бозорда сотмоқдалар ва даромадларини оширмоқдалар.

Еттинчидан, Хавфсизлик, мудофеа ва ички ишлар тизимларидаги ислохотлар эътиборга сазовор. Ҳуқуқ-тартибот тизимининг тубдан ислох қилиниши натижасида фуқароларимиз жиноятчиликдан ишончли ҳимояланганлиги алоҳида эътиборга молик.

Яқиндагина ҳарбийларимиз халқаро АРМИ — 2021 мусобақаларида 2-ўринни эгаллаганлиги, кўплаб қудратли қуроли қучларга эга бўлган давлатлардан ўқиб кетиши — бу соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг натижасидир. Ўйлайманки, ҳозирги таҳликали даврда бу ҳаммамиз учун жуда муҳим ва қувонарли воқеа.

Сақизинчидан ва энг муҳимларидан бири, ўтган 5 йил ичида қўшни давлатлар билан муносабатларимиз тубдан ижобий томонга ўзгарди. Президентимизнинг ташаббуслари билан Марказий Осиё давлатлари

ўртасида дўстона, ўзаро манфаатли қўшничилик муносабатлари тикланди. Бу, ўз ўрнида, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда хавфсизлик муносабатларининг ижобий ўзгаришларига олиб келди.

Муҳим бир жиҳатни тўғри тушуниш керакки, бу ютуқлар тасодифан бўлгани йўқ. Бу ва бошқа ютуқларимизнинг негизида авваламбор Юртбошимизнинг чуқур ўйланган сиёсатлари ва иродалари ҳамда шу сиёсатни кечаю кундуз амалга ошириш мақсадида ишлаётган ҳукумат аъзолари, ҳокимликлар ва фаоллар, қолаверса, бутун халқимизнинг фидокорона меҳнати турибди.

Қайд этишимиз лозимки, 35 миллион аҳоли фаровонлигини ошириш ва ҳаётини тубдан ҳар томонлама ислох қилиш дастурини ишлаб чиқиш ва бошқариш ўз-ўзидан бўлмади.

Бу ўта оғир юкни фақат давлатимизда вазиятни чуқур биладиган, бой билим ва тажрибага эга бўлган, иродали ва доворак, олий даражадаги ташкилотчилик қобилиятига эга — миллий лидер Шавкат Мирзиёев матонат билан ўз зиммаларига олиб, амалга оширмоқдалар.

Мен шунчи айтишим керакки, Шавкат Мирзиёев олдинги даврда, Бош вазир лавозимида ишлаган пайтларида ҳам кўп долзарб масалаларни ўз зиммаларига олиб, ижобий томонга ҳал қилишга ҳаракат қилиб келганлар.

Мисол учун, пахта ҳосилига бево-сита шахсий масъуль бўлишларига қарамасдан, қонимизга сингган “амри вожиб” деган тушунчани четга суриб қўйиб, қатъият билан мактаб болаларини пахта йўғим-теримида далага чиқармасликка қарор қилдилар ва маҳаллий ҳокимларни ҳам шунга ундадилар.

Ҳозирги замонда ҳам ҳали олдимизда жуда кўплаб сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан, ташқи ва ички томондан таҳдидлар, ечилиши зарур бўлган муаммолар бор. Бизнинг ривожланишимиз осон бўлмайди, муҳтарам Президентимиз “**биз авваламбор ўз кучимизга ишонишимиз керак, бизга ҳеч ким ташқаридан қилиб муаммоларимизни ҳал қилиб бермайди**” деб тўғри фикрни билдирдилар.

Ечилиши лозим бўлган энг долзарб масалалардан, авваламбор, ёшларимизга сифатли таълим ва тўғри тарбия беришимиз, иқтисодий жиҳатдан оммавий равишда янги замонавий иш жойларини хусусий бизнес орқали барпо этиш ва қўл ерларда 4 йил ишлаган инсон сифатида ўйлайманки, сув ресурсларидан чуқур ўйланган ва узоқ муддатли оқилона фойдаланиш стратегияси асосида амалга оширилган ишлар натижасидагина давлатимиз ва халқимиз сўзсиз ўз мақсад муқдидга етади.

Юқорида айтилганидек, мавжуд ташқи ва ички таҳдидларни енгиш учун ҳаммамиз низо ва адоватлардан йироқ бўлиб, Президентимиз белгиланган стратегия ва ислохотларни амалга оширишда жипслашиб, бир тану бир жон бўлиб ишлашимиз керак. “**Ўзбекистон мен учун нима берди?**” деган савол ўрнича, қим қерда ишлашидан қатъий назар, “**Мен Ўзбекистон учун нима қилмоқдаман?**” деган саволни ҳар кунни ўзимизга берсак, бурчимизни адолатли бажарсак, фарзандларимиз ва набираларимиз ривожланган, ҳамма ҳавас қиладиган давлатга яшайди, бунга ҳамма асос бор.

Юртбошимиз Шавкат Мирмонович Мирзиёев Мустақиллигининг 30 йиллик байрами тантаналаридаги нутқларида: “**... Барчамиз оқ ювиб, оқ тараган она халқимиз омон бўлсин. Юртимизда яшаётган ҳар бир оила, ҳар бир инсон эзгу мақсадларига етсин. Мустақиллигимиз абадий бўлсин**”, дея ният қилдилар.

Ўйлайманки, ҳар бир Ўзбекистон фуқароси ушбу ниятларга қўшилиб, амалга ошишини яратган Аллоҳдан сўраб қолади.

Рустам АЗИМОВ,
“Ўзбекинвест”
экспорт-импорт
суғурта компанияси”
акционерлик жамияти
бош директори.
ЎЗА

Давр нафаси



“Янги Ўзбекистон” учун махсус



Хориждаги ватандошлар Ўзбекистон Президенти сайловида муддатидан олдин овоз бермоқда

▶ Бошланиш 1-бетда

Муддатидан олдин овоз бериш нуқталари энг кўп ўзбекистонликлар тахсил олаётган олий ўқув юртилари — Рига техника университети ва Ахборот тизимларини бошқариш олий мактабида ташкил этилди. Сайлов жараёни сайлов участка комиссияси аъзолари, олий ўқув юртилари маъмурияти вакиллари, талабалар ва Ўзбекистон ёшлар ассоциациясининг Ригадаги фаоллари иштирокида Ўзбекистон Республикаси давлат махфиясининг ижроси билан бошланди.



Пандемия, шунингдек, мезбон мамлакат қонунчилиги талабларини инобатга олган ҳолда, овоз бериш жараёни эпидемиологик хавфсизлик қораларига риоя қилинган ҳолда ташкил этилди.

Юртдошларимизнинг сайлов ҳуқуқини тўлиқ таъминлаш мақсадида 16-19 октябрь кунлари Таллин, Хельсинки ва Вильнюс шаҳарларида ҳам муддатидан олдин овоз бериш жараёни ўтказилди.

Қозғистоннинг Атирау шаҳридаги юртдошларимиз ҳам кеча эрта тонгда Президент сайловида муддатидан олдин овоз бериш жараёнида қатнашди. Шаҳарнинг Жумискер маданият уйи, “Дина” бозори маъмурияти, Н.Досмухамедов номидаги университет ва Амангелди номли масъулият чекланган ширкат биноларида овоз бериш нуқталари ташкил этилди.

Мамлакатимизнинг Анқара шаҳридаги элчихонасида шакллантирилган 43-сайлов

участкаси ва Анатлия шаҳридаги фахрий консулхонада уюштирилган муддатидан олдин овоз бериш жараёнида ҳам юртдошларимиз фаол қатнашмоқда.

Анқара, Анатлия ва қўшни шаҳарларда бўлиб турган, таълим олиш ёки вақтинча меҳнат қилиш мақсадида келган ватандошларимиз ўзларининг конституциявий ҳуқуқидан фойдаланди.

— Мен Анатлиядаги Акдениз университетида соғлиқ хизматлари йўналишида магистратурада таълим оляпман. Бундан бир неча кун аввал Анатлиядаги Ўзбекистон фахрий консулхонасида Президент сайлови бўйича сайлов участкаси ташкил

этилишини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим, — дейди Севда Амриева. — Ўзимнинг конституциявий ҳуқуқимдан фойдаланиш имконияти яратиб берилганидан жуда миннатдорман. Бугун мен янги Ўзбекистоннинг истиқболи, ўзим каби ёшларнинг порлоқ келажаги учун овоз бердим. Олий билим юртини битирган, Ўзбекистонга қайтиб, Ватанимиз равнақига ҳисса қўшаман.

Ватандошларимизга кўпроқ қўлайлик яратиш мақсадида муддатидан олдин овоз бериш Анқара ва Истанбулда 14-20 октябрь, Кўне ва Карабюк шаҳарларида эса 16 октябрь кунлари бўлиб ўтади.

Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатия ваколатхоналари ҳузурида ташкил этилган сайлов участкалари ва мобилъ сайлов нуқталарида муддатидан олдин овоз бериш жараёни давом этмоқда.

“Дунё” АА

ЖАРАЁНЛАР ТЕЗКОР ВА ХОЛИС ЁРИТИЛАДИ

Халқаро медиа-холл ана шу мақсадга хизмат қилади



Замонавий сайлов тизимининг шаффоф, адолатли ва холислиги, аввало, демократик қадриятлар устуворлиги, оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолияти билан бевоқсита боғлиқ.

Шу маънода, муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Президентини сайловига ҳар жиҳатдан қўрилаётган пухта ҳозирлик бу борада кейинги йилларда мамлакатимизда қабул қилинган бир қатор қонунлар, фармон ва қарорлар миллий медианинг ҳар тарафлама тараққий этишида катта аҳамият касб этаяётганини намоён қилмоқда.

Юртимизда кечаётган ислохотлар жараёнини халқимизга ва халқаро жамоатчиликка тезкор, холис ва ҳаққоний тарзда етказишга қўмақлаштиш мақсадида Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ташаббуси билан 60 та лойиҳани ўз ичига олган “Янги Ўзбекистон. Янги нигоҳ” медиадастури қабул қилинган эди.

Президент сайловини холис ва ҳаққоний ёритишни таъминлашга муносиб ҳисса қўиш мақсадида медиадастур доирасида ташкил қилинган Халқаро медиа-холл кеча пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида ўз фаолиятини бошлади. Бу ерда маҳаллий ва халқаро ОАВ учун турли брифинг, матбуот анжумани ўтказиш, сиёсий партиялар, давлат ва жамоат ташкилотлари, халқаро кузатувчилар билан учрашувлар ташкил қилиш, интервьюлар уюштириш, турли кўрсатув, медиамаҳсулотлар суратга олиш учун барча шароитлар яратилган.

Медиа-холлни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад ҳам сайлов жараёналари ҳақида халқимиз ва дунё ҳамжамиятини мунтазам равишда, тезкор ва холис хабардор қилиб боришдир. Замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган, ҳар томон-

лама қўлай масканда сиёсий партияларнинг дастурлари тақдими, тегишли вазирлик ва идоралар, экспертлар иштирокида юртимизда сўнгги йилларда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий соҳаларда амалга оширилган ишлар бўйича мулоқотлар, долзарб мавзудagi баҳс-мунозаралар, брифинг, маҳорат дарслари, қизикarli танловлар ўтказилиши кўзда тутилган.

Медиа-холл халқаро кузатувчилар, хорижий ва маҳаллий журналистлар ва меҳмонлар учун мулоқот майдони, сиёсий партиялар учун брифинг ва матбуот анжуманлари ўтказиш зали, маданий тадбирлар зали, журналистлар ишлаши, суҳбатлар уюштириши учун матбуот маркази ҳамда меҳмонлар учун дам олиш жойларини ўз ичига олган.

Халқаро медиа-холлнинг очилиш маросимида Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси депутатлари ва сенаторлар, вазирлик ва идоралар, сиёсий партиялар, дипломатик корпус вакиллари, халқаро кузатувчилар, маҳаллий ва хорижий журналистлар, фаол ёшлар иштирок этди.

Тадбирда муҳим сиёсий жараёнини кенг ва холисона ёритишда, сайловнинг халқаро андозаларга ва демократик тамойилларга мувофиқ тарзда ўтказилишида, оммавий ахборот воситалари учун транспарентлик ва тенг ҳуқуқчиликни таъминлашда ушбу замонавий мулоқот майдонининг аҳамияти алоҳида таъкидланди.

НОДИР МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

САНОАТ

Жараён

КЛАСТЕР:

ХОМАШЁДАН ТАЙЁР МАҲСУЛОТГАЧА

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Башланиши 1-бетда

Ўтган йиллар давомида кластер ва фермер хўжаликлари иш фаолиятини тизимли йўлга қўйиш, фермерлар манфаатини ҳимоялаш, пахта етиштириш ҳажмини ошириш, хомашё сифатини яхшилаш борасида олиб борилган ислохотлар натижасида ҳосилдорлик гектарига 7-8 центнерга ошди.



Дастлабки йилда 6 250 гектар ер майдонидан 25,44 центнер, жами 15 минг тонна оқ олтин териб олинган бўлса, жорий йилда 5 950 гектар ернинг ҳар гектари ўрта ҳисобда 33,6 центнер ҳосил берди. Бу мавсум давомида 20 минг тоннадан ортқ пахта териб олиш имкониятини беради.

Кластер Риштон пахта тозалаш заводини 5 йил муддатда бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олди. Эскирган технологияларни янгилаш мақсадида тола, линт, пресслаш тармоқлари модернизация қилиниб, янги қувватлар ишга туширилди. Фермер хўжаликлари учун хизмат кўрсатувчи қўшимча техникалар харид қилинди.

“Ерни боқсанг, ер ҳам сени боқади”, деган мақол бежиз айтилмаган. Соҳада катта натижага эришиш учун, биринчи навбатда, ризқ-рўзимиз манбаи бўлган ерни боқиш, тупроқунумдорлигини ошириш зарур. Кластер ва фермер хўжаликлари

ташқари, сув бериш, экинлар тагини юмшатиш тадбирлари вақтида амалга ошириляпти. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, бу йил ўрта ҳисобда 34 центнердан ҳосил олишни кўзлабдимиз.

Пахтачиликда кластер тизимининг йўлга қўйилиши одамларнинг ерга, ишга бўлган муносабатини ўзгартирди. Эндilikда хомашё етказувчи фермернинг касоси оқарди, меҳнатига яраша даромад кўрмоқда. Йиллик режани ортиги билан бажарган хўжаликларга 15 фоиз устама берилмоқда.

— 43 гектар майдонда гўзанинг “Наманган-77” навини парваришлаб, гектаридан 48 центнердан ҳосил олдик, — дейди “Феруз-Ихтиёр” фермер хўжалиги раҳбари Элёрбек Акбаров. — Бу якуний ҳулоса эмас. Ҳали дала-ларимизда ҳосил бор. Дастлабки ҳисобимизча, пахтачиликдан кўзланган соф даромадимиз

ЭЗГУЛИК

“САХОВАТ ВА КЎМАК” УМУМХАЛҚ ҲАРАКАТИ – ДАВЛАТ ВА ХАЛҚ ҚУДРАТИНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ



Фахриддин СОЛИЕВ,
“Маҳалла” хайрия жамоат
фонди Навоий вилоят
бўлими бошқаруви раиси

Азал-азалдан халқимиз ҳар қандай шароитда бир-бирига елка тутган, ёрдам қўлини чўзган. Кўмакка муҳтож қўни-қўшни, қариндош-уруғ, таниш-билиш маҳалла ҳамда элу юрт ёрдами билан ўзини тиклаб олган. Аждодларимиз турли синов ва офатлардан ҳам ана шу бирдамлик орқали ўтган, қийинчиликларни биргаликда мардона енгган.

2020 йили бутун дунёни қамраб, бугун ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатиб келаётган коронавирус инфекцияси билан боғлиқ жараёнлар инсониятга чинакамига ўта оғир синовли дамларни бошлаб берди.

Пандемия келтирган офатдан халқимизни асраш, мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаёт барқарорлигини таъминлаш мақсадида юртимизда қатъий чоралар қўрилди. Айниқса, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами тўлиқ қўллаб-қувватланди, эҳтиёжманд оилалар аниқланиб, уларга манзилли ёрдам кўрсатилди. Халқимизнинг тарихий ва маънавий қадриятлари, меҳр-саховат, оқибат ва Ҳиммат каби юксак фазилатлари натижаси ўлароқ “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати йўлга қўйилди.

Ушбу ташаббуснинг ҳуқуқий асоси сифатида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 апрелдаги фармойиши билан Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонднинг вилоятлардаги бўлимлари, туман ва шаҳар бўлимлари хузурида “Саховат ва кўмак” жамғармаси ташкил қилинди.

“Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағларини коллегиялик, очқиклик, қонунийлик ва ижтимоий адолат принципларига таянган ҳолда тасарруф этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жамғарма низомига асосан, туман ва шаҳарларда ҳар бир сектор раҳбари

тегишли маҳалла фаоллари билан биргаликда маҳаллалардаги оилалар, фуқароларнинг моддий аҳволини ўрганиб, ҳафталик ёрдам кўрсатиладиган эҳтиёжманд оилалар рўйхати ва уларга бериладиган маблағлар, қундалик истеъмол товарлари, дори воситалари ҳажмини шакллантиради. Секторлар томонидан йиғилган маълумотлар халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларида қиритилиб, депутатлар муҳокамасига қўйилади. Денгаш сессияси қарорига асосан, “Саховат ва кўмак” жамғармасидан маблағлар аниқ кўрсатилган мақсадларга йўналтирилади.

2020 йилда Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Навоий вилоят бўлими хузуридаги “Саховат ва кўмак” жамғармасига жисмоний ва юридик шахслар, маҳаллий бюджетдан келиб тушган маблағлардан 11,2 миллиард сўм маблағ сарфланди. Шундан 5,8 миллиард сўм маблағ Сирдарё вилояти “Сардоба” сув тошқини оқибатларини бартараф этиш ва сув тошқинидан азият чеқканларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

Жорий йилда эҳтиёжманд оилаларга моддий ёрдам (пул шаклида), озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори воситалари етказиб бериш билан бир қаторда эҳтиёжманд бемор фуқароларда жарроҳлик амалиёти ўтказиш, соғлигини тиклаш, шунингдек, ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаш, ногирон аёлларнинг



уй-жойларини таъмирлаш, “Аёллар дафтари”даги хотин-қизларни мамлакатимизнинг тарихий гўшаларига саёҳатини ташкил қилиш каби мақсадларга жамғарма ҳисобидан 19,7 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Ижтимоий дафтарларга қиритилган эҳтиёжманд оилалар ва ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаш ҳамда қўллаб-қувватлаш мақсадида халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашининг қарорига асосан, Хатирчи туманидаги “Асалари кластер” МЧЖ ва Қизилтепа туманидаги “Акмал шифо асали” фермер

хўжалигидан жами 1 500 та асалари оиласи харид қилиниб, Кармана, Хатирчи, Қизилтепа, Навбахор, Нурута ва Кони-мех туманларида истиқомат қилувчи 431 эҳтиёжманд оила вакилларига бегараз тарқатилди.

Шунингдек, вилоятимизда уйда ўтирган, ишсиз, ногиронлиги бўлган 2 494 нафар хотин-қизнинг ҳар бирига 20 та парранда бир ойлик еми билан етказиб берилди. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари буюртмачи сифатида “KARMANA GOLDEN EGGS” МЧЖ билан 48 минг 860 та парранда ха-

риди учун шартнома имзолади. Ҳозирда 25 мингта парранда эҳтиёжманд аёлларга тарқатилди.

Сир эмаски, кўплаб эҳтиёжманд фуқаролар, айниқса, аёллар оиласида маблағ тақчиллиги сабаб даволаниши ёки жарроҳлик амалиётига имкон тополмай қийналади. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва тегишли масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда пандемия даврида ҳар бир маҳалла кесимида ўрганилиб, “Темир дафтар”га қиритилган тиббий-ижтимоий хизматга муҳтож фуқаролар, асосан, хотин-қизларнинг 117 нафар рўйхати шакллантирилди. Фуқароларни даволаш ва жарроҳлик амалиёти учун жами 1 миллиард 727 миллион сўм маблағ ажратилиш кўзда тутилган. Ҳозиргача 34 нафар хотин-қизга қарийб 840 миллион сўм маблағ берилди.

“Аёллар дафтари”га қиритилган хотин-қизларнинг мамлакатимиз бўйлаб саёҳатлари, дам олишлари, санаторийларда даволаниши учун алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йил мобайнида “Касаба сайр” шўъба қорхонаси ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вилоят бошқармаси билан ҳамкорликда “Аёллар дафтари”га қиритилган 2 150 нафар хотин-қизнинг мамлакатимиз бўйлаб саёҳатини ташкил этиш режалаштирилган. Бугунги кунда 1 300 дан ортқ хотин-қиз Ўзбекистоннинг тарихий қадамжоларига саёҳат қилди.

Айни пайтда ҳам “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан эҳтиёжманд, ногиронлиги бор оилаларга, ижтимоий дафтарлар рўйхатига қиритилган фуқароларга ҳар томонлама ёрдам бериш ишлари давом этмоқда.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

Бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида рақобатбардош, етук кадрларни тайёрлаш қатъий талабга айланди. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бу борада муайян даражада уринишлар ва саъй-ҳаракатлар бўлганини тан олиш лозим. Ўзини оқлаган ва ижобий самара берган усуллар ҳам талайгина. Аммо бугун замон ўзгарди. Талаб ва таклифлар, шунингдек, эҳтиёжлар ҳам ўта глобаллашган, кучли рақобат муҳити юзага келган. Олий таълим тизимидан ана шу рақобат муҳитига жавоб бера оладиган мутахассисларни тайёрлаш талаб этилмоқда.

РАҚОБАТБАРДОШ ЕТУК КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ — БУГУННИНГ МУҲИМ ТАЛАБИ



Худойназар ЮНУСОВ, Самарқанд ветеринария медицинаси институти ректори, биология фанлари доктори, профессор

2019 йилнинг октябрида Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси қабул қилинди. Интеллектуал тараққиётни жадаллаштириш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш ҳамда халқаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш мақсадида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантириш сингари вазифалар мазкур ҳужжатга асос қилиб олинди.

Концепция мамлакатимиз олий таълим тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини ўзида акс эттиради. Унда олий ўқув юртларида қамров даражасини кенгайтириш ҳамда таълим сифатини ошириш, рақамли технологиялар ва таълим платформаларини жорий этиш, ёшларни илмий фаолиятга жалб қилиш, инновацион тузилмаларни шакллантириш, илмий тадқиқотлар натижасини тижорийлаштириш, халқаро эътирофга эришиш ҳамда бошқа кўплаб аниқ йўналишлар белгиланган. Булар таълим жараёнини янги сифат босқичига кўтариш учун хизмат қилади.

Сўнгги йилларда битирувчи ёшларни олий таълим муассасаларига кенгрок жалб қилиш мақсадида қабул квоталари сони сезиларли даражада оширилди, табақалаштирилган тўлов-контракт асосида қўшимча ўринлар ажратилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссиясининг 2020 йил 4 февралдаги 12-баёни билан қўшни давлатлар, хусусан, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистондаги олий ўқув юртларида таълим олаётган ёшларнинг ўқишини кўчиришга рухсат берилди.

Шунча имкониятларга қарамай, ўқишни давом эттириб, олий таълим олишни истайдиган ёшлар ҳар доим ҳам мақсадига эришмаётган. Олий таълим муассасаларининг умумтаълим мактаблари билан ҳамкорлигини кучайтириш юзасидан белгиланган ишларни давом эттириш, иқтидорли ва қобилиятли ёшларни мактаб давридан саралаб олиш лозим. Қолаверса, ўқишни давом эттиришни истаган ҳар бир ўғил-қиз, албатта, олий таълим муассасасига қабул қилиниши, масъуллар уларга ана шундай шароитларни тақдим этиши зарур.

Назарий билимларнинг ўзи камлик қилади

Таълим жараёни олдига қўйилган бугунги кун талаби пухта назарий билимни мутахассислар билан бирга, амалий фаолият лаёқатига эга бўлган кадрларни ҳам тайёрлашдан иборат. Назарий билимларнинг ўзи бугун талабга камлик қилади. Олий маълумот тўғрисида дипломи бор бўлса-да, “қўлидан иш келмайдиган”, амалиётда ўзини синов кўрмаган мутахассисга ҳеч ким иш бермайди ёки ундан тезда воз кечади. Яна ҳам аниқроқ тасаввур қилиш учун мисол келтирамиз: талаба ўзи ўрганаётган объектни кўзи билан кўрмаса, унинг устида тажриба ўтказмаса, жараёнини кузатиб бормаса, ундан яхши мутахассис чиқиши гумон.



Самарқанд ветеринария медицинаси институти ташкил этилганига бор-йўғи уч йил бўлди. Замонавий лаборатория — виварий (ҳайвонлар клиникаси) қуриш лойиҳаси ҳамisha режамизда бўлган ва мазкур режа амалга оширилди. Виварий қурилиб, янги ўқув йилидан ишга туширилди. Институт ҳудудидан мос жой танланиб, ҳукумат, қолаверса, Ветеринария ва чорвачилиқни ривожлантириш давлат кўмитаси кўмағида ушбу махсус иншоот қурилиши якунига етказилди. Бу эътироф этишга арзийдиган иш бўлди, дейиш мумкин. Албатта, талабаларимиз учун ўқув-тажриба ҳўжалиги ҳам мавжуд. Шунингдек, малака амалиётини ўташ учун ҳўжалик ва ташкилотлар билан шартномалар ҳам имзоланган. Ҳайвонлар клиникаси ишга тушса, талабалар учун машғуллар янада қизиқарли ва жонли ўтишига шубҳа йўқ.

Илмий фаолиятни катта ақлий ва жисмоний меҳнат, деб таърифлаш мумкин. Ўтган давр мобайнида яқин ўтмишимизда айрим шундай авлод, илм намоянадалари шаклландики, улар илмий ишларини, тадқиқотларини, ишланмаларни кутубхоналарда ўтириб бажарадиган бўлди. Амалиёт бўлмаса, ўзи ўрганаётган объектни кўрмаса, билмаса, бу илм эмас, тадқиқот ҳам эмас. Шунингдек, баъзан шундай ҳолатлар кузатилдики, ўз вақтида бу ишларни лабораторияларда амалга оширишнинг имкони бўлмасди. Ана шундай шароитда ҳам илмга талабгорлар топилган, яхши, халққа ва жамиятга фойдаси тегадиган илмий ишлар ёқланган.

Айни кунда Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг бош биносига замонавий ва энг сўнгги русумдаги ускуналар, жиҳоз-

Демак, бугун илмий иш қилиш учун шарт-шароит етарли. Ҳукуматдан ёрдам олиш, халқаро хорижий грант дастурларида иштирок этиш мумкин. Ёшлар учун ҳеч қандай монелик йўқ. Ҳаммаси ўзларининг саъй-ҳаракати ва интилишига боғлиқ. Таъкидлаганимиздек, айни кунда озиқ-овқат хавфсизлиги ва биотехнология соҳаси энг долзарб ва глобал бўлиб, ушбу йўналиш бўйича Самарқанд ветеринария медицинаси институти ёш олимлари, талабалари, магистр ва докторантлари турли илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Бу тадқиқотлар бугунги кун учун жуда аҳамиятли ва муҳим.

Илмий фаолият талабага нима бериши мумкин?

Институтда яхши бир анъана шаклланган. Талабалар, магистрлар, докторантлар томонидан олиб борилаётган тадқиқот ишлари бўйича семинар-тренинглар ташкил қилина бошланди. Семинар-тренингларни катта олимлар, профессорлар ва шу соҳада нуфузга эга мутахассислар эмас, эндигина илм оламига кириб келаётган талаба-ёшлар, бўлғуси олимлар ўтказмоқда. Асарларчилик, қуёнчилик, балиқчилик ва чорвачилик каби соҳаларда ёшлар турли оқумли ва оқумсиз касалликларни маҳаллий шароитда ўрганади, тадқиқот натижаларини оммага намойиш қилади. Бу жараён уларнинг келгусидаги тадқиқотлари учун ҳам жуда фойдали бўлиши мумкин.



Бугун олийгоҳларнинг бакалаврият босқичини битираётган ёшларнинг 10-20 фоизигина магистратура босқичида ўқишни истайди. Бакалавриятдан кейинги босқичда ўзи ким қайси мавзуда илмий тадқиқот олиб бориши маълум бўлиб бораверади. Магистратура битираётган ёшларнинг ҳам 10 ёки 15 фоиз докторантурада қолади. Биз ана шу фоизларни кўтаришга интилишимиз керак. Чунки илмга талабгорлар қанча кўп бўлса, улар орасида, илмий тилда айтганда, “табиий танланиш” ҳаққоний ўтади. Ўқишни давом эттириш учун баъзиларда молиявий имконият етмайди, айримларнинг оилавий шароити бўлмайдми. Бунинг учун эса, билим олишга қизиққан ёшлар, аввало, саралаб олиниб, уларнинг ўз қизиқиши бўйича иқтидорини юзага чиқариш учун шарт-шароит яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Илмдан бошқа нажот йўқ. Бу йўлда энг катта масъулият, ҳал қилувчи куч, албатта, олий таълимдир. Тизимга алоқадор ҳар бир мутахассис, мутасадди ана шу масъулиятни, улуғ мақсадни, халқимизнинг ишончи ва умидини юракдан ҳис қилиши, миллатимизнинг келажига дахлдор шахслигини англаб етиши, шу ишончга лойиқ бўлиши зарур. Бу ишонч, қолаверса, иймон-этиқод жуда тез фурсатда ўзининг ижобий самарасини беради.



ТОМОРҚА ХИЗМАТИ

ДАРОМАД ҲАМ, БАРАКА ҲАМ ЎЗ ХОНАДОНИМИЗДА

Элмурод МАМАРАҲИМОВ, Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши бош мутахассиси

Бугун бозорларимизга етказиб берилаётган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштиришда нафақат деҳқон ва фермерлар, балки аҳолининг ҳам бевосита ҳиссаси ортиб борапти. Сўнгги йилларда мамлакатимизда деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларига ажратилган майдонлардан самарали фойдаланиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ аҳолисининг бандлиги ва турмуш даражасини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Натижада ўз томорқасида етиштирган экинлар ҳосилини сотиш кўпчилик юртдошларимизнинг даромад манбаига айланди.

Ҳозир 5,5 миллиондан ортиқ томорқа ер эгаси ўз ихтиёридаги 502,8 минг гектар майдонда деҳқончилик қилмоқда. Юртимизда етиштирилаётган картошканинг 84, сабзавот маҳсулотларининг 71, полиз, узум ва меваларнинг 55-60, чорвачилик маҳсулотларининг 94 фоизи аҳоли хонадонлари ҳиссасига тўри келаяпти. Томорқада деҳқончиликни бошлаган инсон тажриба камлиги сабаб бирданига юқори ҳосил ва даромад олиши қийин. Аммо ҳудудларда томорқа билан ишлайдиган, моддий ресурсларни етказиб берадиган, молиялаштирадиган ва экин экишни назорат қиладиган тизим яратилиб, “Томорқа хизмати” МЧЖлар фаолияти йўлга қўйилиши бу борада аҳолига катта кўмак бермоқда. Томорқачилиқдан ҳаба-ри бўлмаган киши ҳам унга қўрсатилётган ёрдам туфайли яхшигина даромад олишга эришяпти.

2018 йилда синов тариқасида илк бор ташкил этилган “Томорқа хизмати” корхоналарига йил сайин талаб ортиб бораётгани ҳам шундан. 2020 йил 30 июндаги “Аҳоли томорқаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори билан 651 та “Томорқа хизмати” МЧЖ фаолияти йўлга қўйилди. Бундай корхоналар иш бошлаган илк куниданоқ аҳолига кўмакчи бўлиб, томорқаларга экин экишдан тортиб, олинган ҳосил харидорга етказилганига қадар ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жойларда аҳоли томорқа ерларини шудгорлаш, хонадонларга ихчам иссиқхоналар қуриб бериш, зарур уруғлик ва кўчат, эчки, қўй, қаранда, асалари уялари, қуён етказиб бериш каби хизматлар ҳам мазкур корхоналар орқали йўлга қўйилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида “Томорқа хизмати” МЧЖлар томонидан 42,1 минг хонадон ерлари шудгорланди, 53,5 минг хонадонга зарур уруғлик, 90,3 мингга кўчатлар ҳамда 36,2 мингга пиез ва саримсоқпёз уруғлари етказиб берилди ҳамда экишига кўмаклашилди. Шунингдек, 32,5 минг хонадонга ихчам иссиқхона қуриб берилиб, 1 161 тасига асалари уялари, 1 297 тасига қуён, 4 330 тасига қурка, 9 300 тасига парранда, 519 тасига эчки, 998 тасига қорамол ҳамда 2 700 хонадонга қўй олиб берилди.

Ўз навбатида, халққа хизмат қилиб, уларнинг мушкуллини осон қилаётган бундай корхоналар Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Ўтган давр мобайнида кенгаш ҳузуридаги жамғарма маблағлари, тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари ҳисобидан уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Хусусан, жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида “Томорқа хизмати” корхоналарида мева-сабзавот учун 38,5 минг тонна сиғимли 132 та совитгич, 62,9 минг тонна сиғимли 195 та омбор ҳамда 161,4 минг тонна йиллик қувватга эга бўлган, мевани саралаш, қуришти, қайта ишлашга мўлжалланган 154 та линия ташкил қилинди. Бу ишлар учун жамғарма томонидан 96,6 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилди.

Шу билан бирга, жамғармадан 265 нафар фуқарога 8 миллиард 231 миллион сўм кредит ажратилиши ҳисобига 162 та тумандаги маҳаллаларини аҳоли гавжум жойларида кичик сиғимли совитгичга эга бўлган, енгил конструкцияли 1 475 та “дала дўкони” ташкил этилиб, уларнинг сони 2 685 тага етказилди. Мазкур дўконлар аҳоли томорқаларида етиштирилган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қулай жойларда, арзон нархларда сотмоқда.

Тадбиркорларга берилаётган моддий ёрдамлар уларнинг бу йўналишда самарали иш бошлашга туртки бермоқда. Масалан, Андижон туманининг Истиклол ва Т.Мирзаяев массивларидаги фойдаланишдан чиққан 275 гектар адирлиқдаги ер майдонларини қайта фойдаланишга тушириш мақсадида “Андижон тумани Истиклол томорқа хизмати” МЧЖ ташкил этилди. Корхонага кўмак сифатида жамғарма томонидан 2 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Жамият раҳбари Рустамжон Йўлдошев бошчилигида ушбу майдонларнинг 150 гектарига мевали кўчатлар экилиб, жами 3500 куб метр сиғимга эга 2 та ҳовуз, томорқа ер эгалари ва деҳқон ҳўжаликларини малакасини ошириш учун ўқув биноси қурилди ҳамда 105 гектар майдонда тўлиқ томчилатиб сўғориш технологиясини ўрнатиш ишлари якунланмоқда. Ушбу майдонларда барпо этилаётган боғлар кейинчалик тайёр ҳолатга келтирилиб, аҳолининг кам таъминланган қатлами ва ишсиз фуқароларга қулай лизинг шартлари асосида тақсимлаб берилиш кўзда тутилган.



Янги тизим — замонавий ёндашув

Халқимиз томорқа қўшимча даромад манбаи эканини тобора яхшироқ англаб етмоқда. Миришкор деҳқонларимиз кичик ердан ҳам катта даромад олаяпти. Бу борадаги билимлари ҳам ортиб борапти. Тажрибадан маълумки, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини сунъий совитиладиган омборхоналарда сақлаш орқали маҳсулот вазини максимал даражада сақлаш мумкин. Шундай омилларни ҳисобга олган ҳолда, етиштирилган маҳсулотни йил давомида халқимиз дастурхонига етказиб бериш учун етарли шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу боис, томорқаларда етиштирилган маҳсулотларини сақлаш, дўконларга етказиб бериш, мева-сабзавотларни қайта ишлаш цехларини ташкил этиш жараёнларини умумлаштирадиган “Томорқа хизмати” кластерлари фаолиятини йўлга қўйишнинг даврининг ўзи тақозо этмоқда. Президентимизнинг юқорида номи қайд этилган қарори асосида мева-сабзавот кўп етиштирилаётган 32 та туманда 12 та йўналиш бўйича “Томорқа хизмати” кластерлари фаолияти йўлга қўйилди. Уларда 25 гектар иссиқхона, 13 071 тонна сиғимли омборхона, 10 078 тонна маҳсулотни саралаш ва қадқлаш қувватига эга бўлган 23 та ускуна, 15 770 тонна совитишли омборхона, уруғ, кўчат ва минерал ўғит сотиладиган 44 та дўкон, 27 та ихчам иссиқхона қуриш цехи, 23 099 тонна сутни қабул қилиш ва қайта ишлаш қувватига эга 18 та пункт, 8 та чорвачилик комплекси бор. Бу ишлар учун жамғарма ҳисобидан 91,4 миллиард сўм ажратилиб, бунинг натижасида 430 та доимий ҳамда 1 616 та масъумий иш ўрни яратилди.

Ўтган йилдан бошлаб ўзида 12 та фаолият йўналишини муҷассамлаштирган “Томорқа хизмати” кластерлари фаолиятини йўлга қўйиш тажрибаси амалиётга жорий этилди. Уларнинг ҳар бири 12-15 минг аҳоли хонадони билан шартнома тузган ҳолда, деҳқон ҳўжаликлари ва аҳоли томорқаларида етиштирилган маҳсулотларини сотишга кўмаклашиш, сақлаш, қайта ишлаб, ички бозорларда сотиш ҳамда экспортга чиқариш бўйича фуқароларга қийнқдан кўмак бермоқда. Бундай корхоналар аҳоли даромадларини ошириш билан бирга, бандликни таъминлашга ҳам ҳисса қўшмоқда. Хусусан, ҳар бир кластерда ўрта ҳисобда 40-45 та доимий, 350-400 та масъумий иш ўрни яратилди.

Навоий вилоятида ташкил этилган “Нурота томорқа хизмати” МЧЖ айни пайтда ҳудудда шу йўналишдаги энг илгор корхоналардан бирига айланган. Бу ерда 2018-2020 йилларда аҳоли билан 3 мингдан ортиқ шартнома тузилиб, ихчам иссиқхоналар қуриш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини саралаш ва қадқлаш цехи каби йирик лойиҳалар ишга туширилиб, бунинг учун жамғарма томонидан кредит ажратилди. Ҳозир бу МЧЖ ҳисобида 10 та бино, ерости тик қудуғини бурғилувчи 4 та агрегат, кимёвий воситалар сепадиган 6 та ускуна, 1 та минитрактор, 4 та мотокултиватордан иборат техника парки мавжуд.

Қўрғонтепа туманида ташкил этилган “Дардоқ томорқа хизмати” МЧЖ ҳам ўз фаолиятини кластер тарзида давом эттиряпти. Корхона 25 кишини доимий иш билан таъминлаб, 5 мингга томорқа ер эгасига ўз хизматларини тақлиф этиб келмоқда. Кластер ўтган йили 150 минг долларлик, жорий йилнинг шу даврига қадар 250 минг долларлик қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини экспорт қилди.

“Томорқа хизмати” МЧЖлар юртимизнинг экспорт салоҳиятини оширишга ҳам ҳисса қўшиб келмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 9 ойи давомида 80 га яқин “Томорқа хизмати” корхонаси томонидан 54 миллион долларлик 51,7 минг тонна маҳсулот Қозғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Афғонистон, Россия, Украина, Германия, Саудия Арабистони, Эрон, Покистон, Малайзия ва Европа мамлакатларига жўнатилди. Бу борада Самарқанд вилоятидаги “Chelak tomorqa xizmati” МЧЖ, Қашқадарё вилоятидаги “Ko’lna vo’na tomorqa xizmati” МЧЖ, Навоий вилоятидаги “Xatirchi tomorqa export” МЧЖ етакчилик қилмоқда.

